| O'zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati | | ПОСТАНОВЛЕНИЕ |
| --- | --- | --- |
| **HOKIMI QARORI** | | **ХОКИМА Самаркандской области Республики Узбекистан** |

2013 у.г. « 31 » январь № 25-К Samarqand sh., – г. Самарканд

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 январдаги 18-сонли "Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ва Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 январдаги 18-сонли "Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ва Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 январдаги 18-сонли "Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ва Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан: қуйидагилар:

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Намунавий Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан бир ой муддатда:

Ихтисослаштирилган бўлинмалар бошлиқлари учун тақдимномани ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш масалаларини мутасаддилик қилувчи ташкилот раҳбарининг ўринбосари беради.

6. Устама ҳақ ушбу устама ҳақ тайинланган мезонларга мувофиқлиги таъминланмаган тақдирда, раҳбарнинг мутасаддилик қилувчи ўринбосари, ихтисослаштирилган бўлинма бошлиғининг қўйилган вазифаларнинг бажарилмаганлик ҳолатлари тўғрисида асосланган таҳлилий маълумотлар ва материалларни илова қилган ҳолдаги асосланган билдиришномаси асосида ташкилот раҳбарининг қарорига кўра белгиланган муддати тугашидан олдин бекор қилиниши мумкин.

7. Меҳнат интизомининг бузилиши, шунингдек ишларнинг бажарилиши ёки эришилган натижалар тўғрисида нотўғри ахборотнинг тақдим этилиши устама ҳақларнинг белгиланишини рад этиш ёки белгиланган устама ҳақларни бекор қилиш учун сабаб бўлиши мумкин.

Белгиланган устама ҳақ ихтисослаштирилган бўлинманинг штатдаги ходимига ҳайфсан эълон қилинган тақдирда бекор қилиниши мумкин, бунда устама ҳақни бекор қилиш тўғрисидаги қарор ҳайфсан эълон қилиниши тўғрисидаги қарорда айтиб ўтилган бўлиши керак.

## IV. Устама ҳақ тўлашни молиялаштириш миқдори ва манбалари

8. Ихтисослаштирилган бўлинмаларнинг штатдаги ходимларига устама ҳақлар ходим лавозим маошининг 50 фоизигача миқдорда белгиланади.

9. Ихтисослаштирилган бўлинмаларнинг штатдаги ходимларига устама ҳақларни тўлаш тегишли ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобига ва унинг доирасида амалга оширилади.

## V. Якуний қоидалар

10. Ихтисослаштирилган бўлинмаларнинг штатдаги ходимларига нисбатан тегишли ташкилотнинг меҳнатга ҳақ тўлаш амалдаги тизимида кўзда тутилган рағбатлантириш бўйича бошқа тўловлар ҳам қўлланиши мумкин.

11. Самарали мезонларга мувофиқ устама ҳақларни белгилаш ва тўлашни самарали мезонларини белгилаш учун жавобгарлик тегишли ташкилотларнинг раҳбарларига юклатилади.



б) Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси вилоят худудий бошқармаси билан биргаликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун устама ҳақларни белгилаш мезонларини ҳисобга олган ҳолда 2013 йил 1 июлгача кадрларни танлаш чораларини кўрсинлар, бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

белгиланган тартибда ўтказилган аттестация натижалари бўйича ихтисослаштирилган бўлинмаларнинг штатдаги ходимлари учун белгиланган компьютер саводхонлиги даражаси талабларига мувофиқлиги;

идоравий ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини шакллантириш, жорий қилиш ва ривожлантириш, юридик ва жисмоний шахсларга интерактив давлат хизматларини, Миллий ахборот тизими доирасида интеграциялашадиган ахборот тизимлари комплексларини ўз вақтида жорий қилиш;

ахборот тизимлари, шу жумладан қоғозсиз ҳужжат айланиш улушининг кўпайишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда электрон ҳужжат айланиш тизимидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш давлат ва идоравий дастурларида назарда тутилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ахборот хавфсизлиги, ахборот-коммуникация инфратузилмасининг узлуксиз ишлашини таъминлаш юклатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Алиходжаев зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими** **З.Мирзаев**

**Вилоят ҳокимининг 2013 йил**
**31 январдаги № 25-К сонли қарорига**
**2-илова**

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил
25 январдаги 18-сонли қарори билан
тасдиқланган

## Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисида Намунавий низом

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий низом вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг (кейинги ўринларда ихтисослаштирилган бўлинмалар деб аталади) штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби ва шартларини белгилайди.

Ушбу Намунавий низомнинг амал қилиши ташкилотларнинг таркибий бўлинмалари (департамент, бошқарма, бўлим, хизмат, гуруҳ, шўъба) ва тасарруфидаги тузилмалар (давлат унитар корхоналар, шўъба корхоналар, филиаллар) шаклидаги ихтисослаштирилган бўлинмаларга жорий этилади.

2. Ихтисослаштирилган бўлинмаларнинг штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш лавозим маошига устама ҳақ тўлаш тарзида амалга оширилади.

3. Ихтисослаштирилган бўлинмаларнинг штатдаги ходимларига устама ҳақ тегишли ташкилотлар раҳбарларининг қарорлари билан белгиланади.

### II. Устама ҳақ белгилаш мезонлари

4. Қуйидагилар замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун устама ҳақ белгилаш мезонлари ҳисобланади:

ташкилотларда қоғозсиз ҳужжат айланиш улушини камида ўртача ички 90 фоиз, идоралараро айланишда – камида 70 фоиз таъминланишини ҳисобга олган ҳолда электрон ҳужжат айланиш тизимидан самарали фойдаланиш;

юридик ва жисмоний шахсларга интерактив давлат хизматларини икки томонлама ёки транзакцион ўзаро ҳамкорлик шаклидаги 70 фоиздан кам бўлмаган мавжуд интерактив хизматлар таъминланишини ҳисобга олган ҳолда жорий этиш;

ташкилот расмий веб-сайтининг қонун ҳужжатлари талабларига камида 80 фоиз даражасида мувофиқлигини таъминлаш;



**«Электрон ҳукумат» тизими** – ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат хизматлари ҳамда давлат органларининг фаолияти натижалари тўғрисида ахборот олиш (алмашиш) тезкорлиги ва қулайлигининг сифат жиҳатдан янги даражасини таъминловчи давлат органларининг фаолиятини ташкил қилиш шакли;

**идоралараро интеграциялашган ахборот тизими** – давлат органлари ўртасида ахборотни йиғиш, сақлаш, қидириш, қайта ишлаш ва фойдаланишни амалга ошириш имконини берувчи ахборот ресурслари, ахборот тизимлари ва алоқа воситаларининг ташкилий жиҳатдан тартибга солинган мажмуи;

**идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи** – фойдаланувчиларга давлат ресурсларидан масофадан фойдалана олишни ва ушбу ресурслардан жамоа бўлиб фойдаланишни таъминловчи давлат органлари ўртасида ҳудудий жиҳатдан бўлиб жойлаштирилган маълумотларни қайта ишлаш тизимлари, телекоммуникация воситалари ва (ёки) тизимларининг ўзаро боғлиқ йиғиндиси;

**миллий қидирув тизими** – Интернет тармоғида ахборотни қидириш имкониятини тақдим этувчи тегишли интерфейсга эга дастурий-аппарат комплекси;

**датамарказ** – давлат органларининг манфаатларида идоралараро характердаги ахборотни қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш бўйича ҳисоблаш ресурслари, ахборот тизимлари воситалари ва маълумотларини бирлаштирилган ҳолда сақлаш ва жойлаштириш учун ихтисослаштирилган технологик майдонча.

3. Давлат буюртмаси идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базалари, идоралараро маълумотлар узатиш тармоқларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган ва эришилган кўрсаткичларни ҳар чоракда аниқлаштирган ҳамда давлат буюртмасининг манзилли қисмини янгилаган ҳолда ҳар йиллик асосда шакллантирилади.

4. Давлат буюртмаси лойиҳаларнинг мақсадлари, вазифалари, йўналишлари, кутиладиган натижалари ва баҳолаш қиймати, лойиҳани амалга ошириш учун йиллар бўйича молиялаштиришга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

5. Давлат буюртмаси йиғма жадваллар бўлган таҳлилий ва манзилли қисмлардан иборат.

6. Қуйидагилар давлат буюртмасини шакллантиришнинг асосий принциплари ҳисобланади:

ахборотлаштириш соҳасидаги ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек лойиҳаларни танлаш амалий механизмини шакллантириш ва уларни амалга ошириш мониторинги асосида маблағлардан самарали фойдаланиш механизмини яратиш;

давлат органлари манфаатлари учун энг муҳим ва устувор идоралараро лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

«Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш соҳасидаги лойиҳаларни давлат бошқаруви самарадорлиги ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга интерактив давлат хизматлари кўрсатиш сифати оширилишини таъминловчи ҳажмларда биринчи навбатда молиялаштириш;

идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базалари, идоралараро маълумотлар узатиш тармоқларини шакллантириш;

35. Қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалардан олинган маблағлар ҳисобига лойиҳаларни молиялаштириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

## VII. Давлат буюртмасининг бажарилган лойиҳалари мониторинги

36. Ишчи орган давлат буюртмасининг бажарилган лойиҳалари доирасида амалга оширилган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини кейинги кузатиш ва қўллаб-қувватлаш ҳолатининг мониторингини олиб боради.

37. Мониторинг натижалари давлат буюртмаси лойиҳаларини амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ҳар чораклик ҳисоботларни Мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этиш учун тайёрлашда фойдаланилади.

## VIII. Якуний қоидалар

38. Лойиҳаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, шунингдавлат буюртмаси лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш учун жавобгарлик ишчи орган зиммасида бўлади.

39. Давлат буюртмаси лойиҳаларини амалга ошириш доирасида яратилган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини кейинги кузатиш ва қўллаб-қувватлаш, тайёрланаётган лойиҳалар (лойиҳалар гуруҳи) бўйича ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгарлик лойиҳалар ташаббусчилари зиммасида бўлади.



14. Ҳар бир лойиҳа (лойиҳалар гуруҳи) бўйича ахборот лойиҳа ташаббускорлари томонидан тайёрланади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

лойиҳа паспорти;

лойиҳани амалга ошириш ва молиялаштириш режа-жадвали;

давлат буюртмасининг манзилли қисмини шакллантириш санасига лойиҳани амалга ошириш ҳолати тўғрисида батафсил ахборот.

15. Лойиҳа паспорти қуйидагиларни ўз ичига олади:

лойиҳанинг мақсад ва вазифалари;

техник таснифи;

кутилаётган натижалар;

ташкилий тадбирлар самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг кўламлари;

лойиҳани амалга ошириш учун зарур маблағлар ҳажми ва уларга бўлган эҳтиёж;

асосий моддий ва инсон ресурсларининг мавжудлиги.

16. Муайян лойиҳани танлаб олиш уни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги, иқтисодий ва молиявий самарадорлиги, амалга оширилиши ва давлат органлари манфаатларида идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базалари, идоралараро маълумотлар узатиш тармоқларини жорий қилиш бўйича комплекс дастур вазифаларига мувофиқлиги асосида амалга оширилади.

17. Қуйидагилар лойиҳанинг устуворлигини аниқлаш мезонлари ҳисобланади:

лойиҳанинг ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатига мувофиқлиги;

дастурий маҳсулотлар ва ахборот тизимлари соҳасидаги маҳаллий ишланмалардан фойдаланиш даражаси;

кутилаётган натижалар;

лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти;

лойиҳани амалга оширишга тайёрлик даражаси (техник лойиҳа, бизнес-режа, лойиҳа бўйича хулосанинг мавжудлиги);

ишга туширилганидан кейин фойдаланиш харажатлари миқдори.

18. Ҳар бир мезоннинг муҳимлик даражаси ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ва давлат органлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ишчи орган томонидан белгиланади.

19. Лойиҳани танлаб олиш натижалари асосида давлат буюртмасининг манзилли қисми шакллантирилади.

## IV. Давлат буюртмасига киритиш учун лойиҳаларни танлаб олиш тартиби

20. Давлат буюртмаси лойиҳаларини танлаб олиш ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи Комиссия томонидан амалга оширилади.

21. Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, шунингдек бошқа идораларнинг вакиллари киради.

22. Комиссиянинг шахсий таркиби камида ўн бир кишидан иборат этиб шакллантирилади, унинг таркибига раис, унинг ўринбосари ва котиб киради, Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланади.

## V. Давлат буюртмасини шакллантириш муддатлари

23. Лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш жараёни йиллик циклга эга ва ҳар бир йилнинг охирига янгиланган манзилли қисмнинг тайёрланишини таъминловчи иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

24. Ишчи орган ҳар йили 1 февралгача давлат органларига амалга оширилаётган ахборотлаштиришни ривожлантириш бўйича давлат сиёсати, «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш ва интеграциялашган ахборот тизимлари ва бошқаларни жорий қилиш вазифалари ва мақсадли йўналишлардан келиб чиққан ҳолда давлат буюртмасига киритиш учун таклифлар тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмаларни юборади.

25. Давлат буюртмасига киритиш учун таклифларни тайёрлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

лойиҳа ташаббусчилари идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини жорий қилиш бўйича комплекс дастурлар ҳамда ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари асосида жорий йилнинг 1 августидан 1 октябригача кўриб чиқиш ва танлаб олиш учун ишчи органга лойиҳаларини тақдим этадилар;

ишчи орган жорий йилнинг 20 октябригача лойиҳаларни кўриб чиқиш учун Комиссияга тақдим этади;

Комиссия ўз мажлисида жорий йилнинг 10 ноябридан кечиктирмай тақдим этилган лойиҳаларни кўриб чиқади, танлаб олинган ва бутланган лойиҳалар давлат буюртмасининг манзилли қисмига киритиш учун Комиссия томонидан маъқулланади.

Комиссия тақдим этилган лойиҳаларни самарали танлаб олиш мақсадида қуйидаги мезонлар асосида ўрганиб чиқади:

ахборотлаштириш соҳасидаги лойиҳаларнинг муҳимлиги ва устуворлиги:

ҳукумат қарорлари билан амалга оширилиши назарда тутилган лойиҳалар;

ахборот технологияларини ривожлантиришнинг жаҳон миқёсини, ахборотни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда, идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базалари, идоралараро маълумотлар узатиш тармоқларини жорий қилиш бўйича комплекс дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар.

Ишчи орган жорий йилнинг 15 ноябридан кечиктирмасдан шакллантирилган ва бутланган давлат буюртмасини тасдиқлаш учун Мувофиқлаштирувчи кенгашга киритади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш жорий йилнинг 1 декабридан кечикмасдан давлат буюртмасини тасдиқлайди.

26. Истисно тариқасида йил давомида давлат буюртмасининг манзилли қисмига киритиш учун ишчи орган келгусида тасдиқлаш учун Мувофиқлаштирувчи кенгашга киритиш учун бевосита Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган лойиҳаларни таклиф қилиши мумкин.



## VI. Давлат буюртмасини молиялаштириш тартиби

27. Жамғарма маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар давлат буюртмасини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

28. Ишчи орган Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан давлат буюртмаси тасдиқланганидан кейин лойиҳа ташаббусчилари билан биргаликда белгиланган тартибда Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган давлат буюртмасининг янги бошланадиган лойиҳалари бўйича танлов (тендер) савдоларини ўтказади.

Ўтказилган танлов (тендер) савдолари натижалари бўйича ишчи орган, лойиҳалар ташаббусчилари ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги хизматлар етказиб берувчилар ҳамда тизим интеграторлари ўртасида белгиланган тартибда давлат буюртмаси лойиҳаларини амалга ошириш учун шартномалар тузилади.

29. Қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган давлат буюртмасининг янгидан бошланадиган лойиҳалари бўйича танлов (тенедер) савдолари лойиҳалар ташаббусчилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади.

30. Давлат буюртмасини молиялаштириш учун Жамғарма маблағларининг ажратилиши ишчи орган ва Жамғарма ўртасида имзоланган шартнома асосида талабномалар бўйича амалга оширилади.

31. Давлат буюртмасини Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ишчи органнинг ваколатланган банкдаги махсус ҳисоб рақами орқали белгиланган тартибда амалга оширилади.

32. Лойиҳаларни молиялаштириш бажарилган ишлар далолатномалари асосида лойиҳаларни амалга ошириш жадвалларига кўра босқичма-босқич амалга оширилади.

33. Лойиҳа амалга оширилганидан кейин бажарилган ишларнинг якунловчи далолатномасини имзолаш учун ишчи орган мутахассислари ва лойиҳа ташаббусчиларидан иборат қабул қилиш комиссияси ташкил этилади.

34. Қабул қилиш комиссияси бажарилган лойиҳанинг техник топшириққа ва қўйилган вазифаларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса тузади, шунингдек давлат буюртмаси лойиҳасини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган, сотиб олинган ва жорий қилинган аппарат-дастурий комплекслар ҳамда дастурий маҳсулотларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини шакллантиради.

Давлат буюртмаси доирасида Жамғарма маблағлари ҳисобига ишлаб чиқилган, сотиб олинган ва жорий қилинган аппарат-дастурий комплекслар ҳамда дастурий маҳсулотлар:

«Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро инфратузилмаси (идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базалари, датамарказлар, идоралараро маълумотлар узатиш тармоқлари)ни жорий қилиш лойиҳалари бўйича ишчи органга;

тармоқ ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини жорий қилиш лойиҳалари бўйича лойиҳалар ташаббускорларига топширилади.

Лойиҳа ташаббускорлари давлат буюртмаси доирасида амалга оширилган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларининг кейинги кузатилиши ва қўллаб-қувватланишини таъминлашлари керак.

давлат органлари манфаатлари учун лойиҳаларни давлат буюртмасининг манзилли қисмига киритиш;

давлат буюртмасининг мақсадли вазифасига жавоб берадиган илгари бошланган лойиҳаларнинг тугатилишини биринчи навбатда молиялаштириш.

Лойиҳаларнинг самарадорлиги, ахборотлаштиришнинг алоҳида йўналишларини ривожлантириш устувор вазифалари, давлат органлари манфаатлари учун лойиҳаларни тугатишда эришиладиган кўрсаткичлар лойиҳаларни шакллантиришдаги асосий мезонлар ҳисобланади.

7. Давлат буюртмасини шакллантиришда йирик ва ўта муҳим лойиҳалар алоҳида киритилади, катта бўлмаган бир хилдаги лойиҳалар бир бутун сифатида киритилиши мумкин (масалан, ахборот тизимлари комплексларини яратиш, интерактив давлат хизматларини жорий қилиш).

8. Давлат буюртмаси ҳар йили Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникаг технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда Мувофиқлаштирувчи кенгаш деб аталади) қарори билан тасдиқланади.

9. Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорлари Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) томонидан давлат буюртмаси лойиҳаларини молиялаштириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

## II. Давлат буюртмасининг таҳлилий қисмини шакллантириш

10. Таҳлилий қисм мақсадли маблағларнинг капитал қўйилмалари ҳажмларини асослашни, давлат буюртмасининг самарадорлигини баҳолашни, лойиҳаларни танлаб олиш мезонларини ўз ичига олади.

11. Таҳлилий қисм таркибида лойиҳаларнинг йўналишлари («Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш, идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини ривожлантириш, идоралараро маълумотлар узатиш тармоқларини ривожлантириш) бўйича умуман давлат буюртмаси юзасидан маблағларнинг капитал қўйилмалари таркиби белгиланади

Бунда лойиҳалар амалга оширилганидан кейин идоралараро ўзаро ҳамкорлик самарадорлигининг прогноз қилинадиган натижалари ҳисоб-китоб қилинади.

## III. Давлат буюртмасининг манзилли қисмини шакллантириш

12. Манзилли қисм қуйидагилар учун амалга ошириладиган лойиҳалардан иборат бўлади:

Миллий ахборот тизими доирасида «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш, идоравий ахборот тизимларининг интеграцияси;

давлат органлари манфаатлари учун идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини, идоралараро маълумотлар узатиш тармоқларини жорий қилиш;

миллий қидирув тизимларини жорий қилиш, миллий датамарказларни яратиш.

13. Давлат буюртмасининг манзилли қисмини шакллантириш жараёни давлат органлари манфаатлари учун ҳар бир лойиҳа бўйича батафсил ахборот тайёрлаш, устуворлиги бўйича лойиҳани танлаб олиш ва лойиҳалар рўйхатини шакллантиришдан иборат.

**Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомга илова**

## Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш

| Босқичлар | Тадбирлар | Муддатлар | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Ишчи орган давлат органларига давлат буюртмасига киритиш учун таклифлар тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмаларни юборади. | Ҳар йили 1 февралгача | Ишчи орган |
| 2-босқич | Лойиҳа ташаббусчилари лойиҳалар бўйича таклифлар ва дастлабки ахборотни тайёрлайдилар, йиллик давр учун давлат буюртмасига киритиш учун ишчи орган кўриб чиқиши учун киритадилар. | 1 августдан 1 октябргача | Лойиҳа ташаббусчилари, ишчи орган |
| 3-босқич | Ишчи орган ахборотлаштириш соҳасидаги ривожлантириш устуворликларига мувофиқ лойиҳаларни ўрганиб чиқади ва уларни Комиссия кўриб чиқиши учун тақдим этади. | 20 октябргача | Ишчи орган, Комиссия |
| 4-босқич | Комиссия давлат буюртмаси лойиҳаларини белгиланган тартибда кўриб чиқади, танлаб олинган ва бутланган лойиҳалар давлат буюртмасининг манзилли қисмига киритиш учун тақдим этилади. | 10 ноябргача | Комиссия |
| 5-босқич | Ишчи орган давлат буюртмасининг лойиҳасини тасдиқлаш учун Мувофиқлаштирувчи кенгашга киритади. | | |
| босқич | Давлат буюртмасининг лойиҳаси Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг баённома қарори билан тасдиқланади. | 1 декабргача | Мувофиқлаштирувчи кенгаш |
| 7-босқич | Давлат буюртмасини амалга оширишнинг биринчи йилига киритиладиган янги бошланадиган лойиҳалар бўйича танлов (тендер) савдолари ўтказилади. | Декабр-январ | Ишчи орган, лойиҳалар ташаббусчилари |
| 8-босқич | Тасдиқланган давлат буюртмаси ва ўтказилган танлов (тендер) савдоларига мувофиқ белгиланган тартибда лойиҳаларни амалга ошириш учун шартномалар тузилади. | Январ-феврал | Ишчи орган, лойиҳалар ташаббусчилари, хизматлар етказиб берувчилар ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги тизим интеграторлари |

**Вилоят ҳокимининг 2013йил**
**31 январдаги № 25-Қ сонли қарорига**
**1-илова**

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил
25 январдаги 18-сонли қарори билан
тасдиқланган

**Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида**
**Низом**

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланадиган ҳамда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади:

**ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат буюртмаси** (кейинги ўринларда давлат буюртмаси деб аталади) – маълумотлар банкларини сақлаш, қайта ишлаш ва бошқариш ҳамда турли интерактив хизматлар кўрсатиш учун давлат органларининг идоралараро интеграциялашган ахборот тизимларини жорий қилиш, идоралараро маълумотлар узатиш тармоқларини яратиш, «Электрон ҳукумат» тизимини, миллий қидирув тизимларини ва датамарказларни шакллантириш бўйича лойиҳаларнинг ягона реестри;

**лойиҳа ташаббускори** – давлат буюртмаси доирасида лойиҳа амалга оширилишини бошлаб берувчи вазирлик, давлат қўмитаси, агентлик, идора, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва давлат бошқаруви бошқа органлари;

**ишчи орган** – давлат буюртмасини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси;

**давлат буюртмасини шакллантириш учун Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор лойиҳаларини танлаб олиш бўйича Идоралараро комиссия** (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) - камида ўн бир кишидан иборат таркибда шакллантириладиган ва Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланадиган комиссия;

**танлов (тендер) савдолари** – ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини жорий қилиш, материаллар, дастурий маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар сотиб олиш учун савдолар ўтказилишини ташкил қилиш механизми;



ташкилотларнинг марказий аппаратларидаги локал ҳисоблаш тармоқларини яратиш учун вазифаларни 100 фоиз даражасида, ҳудудий ва тасарруфдаги бўлинмаларда – камида 80 фоиз бажариш;

ахборот хавфсизлгини таъминлаш;

ташкилотнинг ахборот-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича аниқ асосланган таклифлар ва ташаббуслар киритиш;

ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг давлат ва идоравий дастурларида назарда тутилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, бошқарув ва иш жараёнларининг самарадорлигини ошириш имконини берувчи инновацион ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича комплекс идоравий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ташкилот ахборот-коммуникация инфратузилмасининг узлуксиз ишлашини ва унинг ишида авария ҳолатлари, бекор туришлар ва тўхтаб қолишлар бўлмаслигини таъминлаш;

идоравий ахборот ресурслари ва маълумотлар базасини шакллантириш, жорий қилиш ва ривожлантириш;

Миллий ахборот тизими доирасида интеграцияланадиган ахборот тизимлари комплексларини ўз вақтида жорий қилиш;

ихтисослаштирилган бўлинмалар штатдаги ходимларининг компьютер саводхонлиги даражаси бўйича талабларга мувофиқлиги учун аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича ижобий баҳо олиши;

ташкилот ходимларининг компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш малакаси ва кўникмаларини ошириш бўйича дастурларнинг ўз вақтида бажарилишини ташкил қилиш.

Ушбу бўлимда кўрсатилган мезонлар асосида ҳар бир ташкилот ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ихтисослаштирилган бўлинмаларнинг штатдаги ходимларига устама ҳақларни белгилаш учун ўз мезонларини тасдиқлайди.

## III. Устама ҳақ белгилаш тартиби

5. Ташкилот раҳбарияти ихтисослаштирилган бўлинмаларнинг штатдаги ходимларига устама ҳақларни ихтисослаштирилган бўлинмалар бошлиқларининг ушбу Намунавий низомнинг II бўлимида кўзда тутилган мезонлар бўйича муддати, миқдори ва асослари кўрсатилган ҳолда устама ҳақларни белгилаш тақдимномалари асосида белгилайди.

давлат буюртмасини шакллантириш учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор лойиҳаларини танлаш бўйича Идораларaро комиссия таркибини;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг малакаси ва кўникмаларини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда уларни ишда компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида” 2011 йил 27 октябрдаги 289-сон қарорига мувофиқ вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича саволномани тасдиқлаш юклатилганлиги;

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига:

ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат буюртмасига киритиш учун таклифлар тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмаларни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви барча органларига юборишни таъминлаш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш жадвалини бир ой муддатда ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш;

лойиҳаларни жорий қилишнинг эришилган кўрсаткичлари ва натижаларини аниқлаш, шунингдек давлат буюртмасининг манзилли қисмини аниқлаштириш ва янгилаш учун давлат буюртмаси лойиҳаларини ўз вақтида шакллантириш ва амалга ошириш юзасидан ҳар чоракда мониторинг олиб бориш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалари раҳбарларининг уларга юкланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб бориш юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят бошқармалари, ташкилотлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига:

а) ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантиришнинг тасдиқланган схемасига мувофиқ давлат буюртмасини шакллантириш ва лойиҳаларнинг ўз вақтида тайёрланиши ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминласинлар *(Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомга илова)*, бунда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор берилсин:

ахборотлаштириш, идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини шакллантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

давлат бошқарувининг самарадорлиги ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга интерактив давлат хизматлари кўрсатиш сифатининг оширилишини таъминловчи “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш;

лойиҳаларни тугаллашда эришиладиган, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари манфаатлари учун энг муҳим ва устувор идоралараро лойиҳаларни, кўрсаткичларни қўллаб-қувватлаш;